

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

УРАҚОВ ШОКИР УЛАШОВИЧ

**ГИБРИД ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРДА КОЛЛЕГИАЛ
ДИАГНОСТИК ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

05.01.02- Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Урақов Шокир Улашович

Гибрид интеллектуал тизимларда коллегиял диагностик қарорларни
қабул қилишнинг алгоритмлари ва усуллари.....3

Ураков Шокир Улашович

Методы и алгоритмы принятия коллегияльных диагностических
решений в гибридных интеллектуальных системах.....19

Urakov Shokir Ulashovich

Methods and algorithms of acceptance of collegial diagnostic decisions
in hybrid intellectual systems.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

УРАҚОВ ШОКИР УЛАШОВИЧ

**ГИБРИД ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАРДА КОЛЛЕГИАЛ
ДИАГНОСТИК ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

05.01.02- Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T191 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сафаров Ташпулат техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қобулов Анвар Василевич техника фанлари доктори, профессор Ўринбаев Эркин техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 й. «___» _____ да соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

М.А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот тизимларини халқ хўжалигининг турли соҳаларига, жумладан тиббиётда ахборот технологияларини қўллаш орқали интеллектуал диагностик тизимларни автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Marketsand Markets компанияси прогнозига кўра «2020 йилда тиббиёт муассасаларида фойдаланиладиган аналитик ахборот тизимларининг дунё бозоридаги ҳажми 21 млрд долларга етади. Яқин олти йилдаги ўртача йиллик ўсиш темпи 25% ни ташкил этади»¹. Тиббий инфор­мацион тизимларни, хусусан эксперт тизимларни яратиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг бир қатор мам­лакатларида, жумладан АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Франция, Россия ва Ўзбекистонда кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда турли интеллектуал ташхисий тизимларни ишлаб чиқиш, ташхисий эксперт тизимларни яратиш ва тиббий ташхисий тизимларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан экспертлар берадиган норавшан маълумотлар, тушунчалар ва муносабатларни формаллаштириш имконини берувчи математик мантиқ аппарати­дан фойдаланишнинг янги технологик усул ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда инновацион технологияларни қўллаш орқали автоматизациялашган бошқарув тизимларини ривожлантириш ва ягона инфор­мацион муҳитни ташкил этишга доир қабул қилинаётган комплекс чора-тадбирлар ахборот-коммуникация технологияларга асосланган инфор­мацион тизимларни яратиш ва тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ... юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, ... замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ташхисий ечим (қарор) қабул қилишни қўлловчи тизимларни яратиш, бемор ҳолатини традицион, лаборатория, инструментал ва компьютер усуллари (ТЛК технология) билан кетма-кет муҳокама қилувчи иерархик тузилишга эга бўлган қобиқ кўринишдаги гибрид интеллектуал ташхисий ечимлар қабул қилишни қўлловчи тизимларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сон «Шошили­нч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил

¹ http://aksimed.ru/company/news_1/iz.php?ELEMENT_ID=2023

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

этишни янада такомиллаштириш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV-«Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соғлиқни сақлаш соҳасини тиббий хизматни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автоматизациялаш воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббий информацияларга ишлов беришга доир бир қатор назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан хорижий олимлардан В. Chandrasekaran, С.А. Kulikowski, R.S. Ledley, L.B. Lusted, F. Mizoguchi., S.G. Pauker, E.H. Shortliffe, P. Szolovits, Н.Н. Амосов, И.П. Быховский, А.А. Вишневский, И.М. Гельфанд, Е.В. Гублер, А.С. Клещев, Б.А. Кобринский, Г.А. Хай, М.Ю. Черняховская, Назаренко, С. Кульбак, В.М. Тавравской, М.Л. Жмудяк, Ю.И. Журавлев, Н.Бейли, С. Вальда, С.А. Айвазян ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ф.Т.Адилова, Х.Тўрақулов, А.Х.Нишонов ва бошқа олимлар интеллектуал тизимларни яратиш, норавшан шароитларда қарорлар қабул қилиш, диагностика жараёнларини моделлаштириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда ТЛІК технология асосида ташхислаш жараёнини босқичма-босқич мушоҳада этишга асосланган интеллектуал тиббий ташхислаш тизимларини яратиш муамолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Самарқанд филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг БА-5-017-«Сут беги саратони ва бачадон буйнини ташхислаш учун маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усулига асосланган алгоритм ва дастурий таъминотини яратиш» (2017-2019) ва А5-039-«Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишнинг параллел алгоритмларини қуриш дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ечим қабул қилишда ТЛІК технологияга асосланган гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи

тизимнинг усул, модел, алгоритм ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг ТЛІК усул билан ишловчи умумий схемасини ишлаб чиқиш;

экспертлар компетентлиги интеграл кўрсатгичи ва экспертлар берган баҳоларининг мослик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташхисий ечим қабул қилишнинг кўп ўлчовли мушоҳада этувчи мантикий моделларини яратиш;

гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни қўллаб ташхис қўйиш жараёнини оптималлаштириш ва даволаш жараёнини бошқариш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

коллегиал ташхислашнинг гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни ишлаш жараёнини моделлаштиришнинг алгоритми ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббий муассасаларда амалга ошириладиган бир жинсли касалликлар синфи учун тиббий ташхис қабул қилиш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети тиббий муассасаларда ташхисий ечим қабул қилишни қўллаш учун хизмат қилувчи тизимни яратиш усул, модел, алгоритм ва дастурий мажмуидан иборот.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил усул ва алгоритмлари, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, сунъий онг, моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг ТЛІК усул билан ишловчи ва кўп қаррали тасдиққа асосланган умумий схемаси ишлаб чиқилган;

экспертлар компетентлиги интеграл кўрсатгичи ва экспертлар берган баҳоларининг мослик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташхисий ечим қабул қилишнинг кўп ўлчовли матрицали эҳтимолий ва босқичма-босқич мушоҳада этувчи мантикий моделлари яратилган;

гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни қўллаб ташхис қўйиш жараёнини оптималлаштириш ва даволаш жараёнини бошқариш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни ишлаш жараёнини моделлаштиришнинг интеграллашган алгоритми ва коллегиал ташхислашнинг дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коллегиал ташхисий ечим қабул қилишга жалб этиладиган компетент экспертларни аниқлаш учун ягона интеграл кўрсатгич ишлаб чиқилган;

гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг дастурий ва ахборот таъминоти ишлаб чиқилган;

кардиологик (миокард инфаркти) ва неврологик (бош оғриғи) касалликлар синфлари учун диагностик ечим қабул қилиш процедураси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тақлиф этилган ташхисий ечим қабул қилиш усули натижаларини статистик таҳлил қилиш йўли билан аниқланганлиги, ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизим орқали машинавий тажрибалар ўтказиш усулида қабул қилинган ечимлар билан реал клиник шароитда қабул қилинган ташхисий ечимлар натижалари таққосланганлиги, тақлиф этилган компьютер усули ва реал клиник шароитдаги қабул қилинган ечимлар орасидаги мослик 90% атрофида эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг яратилган усул, модел ва алгоритмик таъминотлари ТЛК-технология асосида ишлаб чиқилган бўлиб ҳам эҳтимолий, ҳам мантиқий мулоҳаза юритувчи моделлар мажмуасини ўз ичига олганлиги, ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизим тиббий диагностика жараёнини автоматлаштиришга доир бошқа ишлардан ўзининг универсаллиги, кўп қаррали тасдиқга асосланганлиги ва бошқа синфга кирувчи касалликлар синфлари учун мосланувчанлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диагностик ечимлар қабул қилишда ТЛК-технологиядан фойдаланиш унга кўп босқичли ва кўп қаррали тасдиқлаш имконини беради, натижада унинг ишончилиги, яратилган алгоритмик ва дастурий таъминотлар мосланувчан таркибга эга бўлиб, унинг қўлланиш соҳаси маълумотлар базасини ва билимлар базасини янгилаш ва уларга мос бўлган қисм алгоритм ва қисм дастурларни қўшиш ёрдамида кенгайтириш, гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг ягона ахборот тизими билан интеграллашган ҳолда фаолият юритиш имконияти даволаш профилактика муассасалари миқёсида шифокорлар виртуал консилиумини ташкил этиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни тадқиқ этиш мақсадида яратилган математик модел, алгоритм ва дастурий мажмуалар асосида:

тиббий диагностика жараёнини автоматлаштириш тизимининг алгоритм ва дастурий воситаси Қашқадарё вилояти Чироқчи туман соғлиқни сақлаш бўлимида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 13 февралдаги 33-8/999-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотнатижасида яратилган дастурий воситани қўллаш орқали беморларга бирламчи ташхис қўйиш даврини 3 баробарга камайтириш ва ташхислаш билан боғлиқ моддий харажатларни 65,9% га камайтириш имконини берган;

тиббий ташхислаш жараёнини автоматлаштиришнинг дастурий мажмуаси Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалида жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 13 февралдаги 33-8/999-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ташхис ишончилигини 10-15% га ошириш имкони яратилган;

тиббий ташхислаш жараёнини автоматлаштиришнинг дастурий воситаси Самарқанд шаҳри “Бионурмедсервис” МЧЖ тиббий диагностика марказида жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 13 февралдаги 33-8/999-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида бирламчи ташхис қўйиш жараёни вақтини 18,2% га ва моддий харажатларни 16,6% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 1 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектининг хусусиятлари таҳлили ва ташхисий ечим қабул қилиш тизимларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида тиббий ташхис қўйишнинг шакли, усули ва тамоиллари тизимли таҳлил қилинган. Бунинг учун ташхислашнинг традицион, лаборатория, инструментал ва компьютер усуллари таҳлил қилинган. Диагностик ечим қабул қилишнинг ўзига хас хусусиятлари инфаркт миокард ва бош оғриғи касалликларида таҳлил этилган. Таҳлил натижаларига асосланиб ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи гибрид

интеллектуал тизим яратишга тизимли ёндошиш структураси ишлаб чиқилган.

Ташхислаш масаласи мураккаб ва объект инсон организми бўлиб у ҳам мураккаб тизимдир. Шунинг учун ушбу масалани ечишни автоматизациялаш мураккаб тизимларни ўрганиш каби тизимли ёндошувни тақоза этади. Таклиф этилаётган компьютер технологияси қўлланилишига асосланган тадқиқот усулнинг умумлашган схемасини 1-расмдагидек ифодалаш мумкин.



1-расм. Ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни яратишга тизимли ёндошишнинг умумлашган схемаси.

Таклиф этилаётган клиник шароитда врач фаолиятини компьютер ёрдамида қўлловчи тизим кўп қаррали тасдиқлашга асосланган ҳолда ишлайди, яъни бирламчи ташхис, мантиқий ва эҳтимолий моделга асосланган тасдиқлар булиб, у даволовчи врач тасдиғидан кейин фойдаланилади. Таклиф этилаётган ечим қабул қилиш таркиби бир нечта усуллардан фойдаланишга асосланган. Шунинг учун ушбу тизимни ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи гибрид интеллектуал тизим деб аташ мумкин.

Диссертациянинг «Ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи гибрид интеллектуал тизимнинг моделлари мажмуасини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни ТЛК технология асосида яратишнинг усул ва моделлари ишлаб чиқилган.

Коллегиал ечим қабул қилишдаги асосий босқичлардан бири экспертларни танлаш, уларнинг хулосаларига ишлов бериш ва эксперт гуруҳлари фикрини умумлаштиришдан иборат. Компетент экспертларни танлаш учун ягона интеграл кўрсаткич таклиф этилган бўлиб, у ўзида экспертнинг таълим даражаси, иш тажрибаси, ижодий ёндошиш қобилияти, мутахассислар орасидаги маъқийи, эксперт гуруҳларда қатнашиш тажрибаси, информативлик ва аргументациялаши билан боғлиқ кўрсаткичларни ўзида умумлаштиради.

Экспертлар баҳоларини таҳлил этиш ва уларга ишлов беришда асосий усуллардан бири уларнинг ўзаро мослик даражасини таҳлил қилишдан иборат бўлиб, бу масала экспертлар фикрларининг бир-бирига қанчалик яқин ёки узоқ эканлигини аниқлайди. Биз қараётган муаммода танланган экспертлар қуйидаги иккита жадвални тўлдиради (1 ва 2-жадваллар).

1-жадвал.
Симптомлар ва ташхислар орасидаги
эҳтимолий муносабатлар

Симптомлар Ташхислар	S ₁	S ₂	S ₃	...	S _n
V ₁	P ₁₁	P ₁₂	P ₁₃	...	P _{1 n}
V ₂	P ₂₁	P ₂₂	P ₂₃	...	P _{2 n}
V ₃	P ₃₁	P ₃₂	P ₃₃	...	P _{3 n}
...
V _m	P _{m1}	P _{m2}	P _{m3}	...	P _{m n}

2-жадвал.
Симптомлар ва ташхислар орасидаги
бинар муносабатлар

Симптомлар Ташхислар	S ₁	S ₂	S ₃	...	S _n
V ₁	X ₁₁	X ₁₂	X ₁₃	...	X _{1 n}
V ₂	X ₂₁	X ₂₂	X ₂₃	...	X _{2 n}
V ₃	X ₃₁	X ₃₂	X ₃₃	...	X _{3 n}
...
V _m	X _{m1}	X _{m2}	X _{m3}	...	X _{m n}

Бу ерда P_{ij} - S_i симптомнинг V_j диагнозда учраш эҳтимоли бўлиб, экспертлар томонидан аниқланади ($i=1,2,\dots,n$; $j=1,2,\dots,m$). Бу жадвалдаги маълумотлар матрицали-эҳтимолий модел ёрдамида диагностик ечим қабул қилишда фойдаланилади. Экспертлар томонидан тўлдирилдиган 2-жадвалдаги X_{ij} -бинар ўзгарувчи бўлиб 0 ва 1 қийматларни қабул қилади. Бу жадвалдаги маълумотлар мантикий модел бўйича ечим қабул қилишда фойдаланилади. Экспертлар баҳоларининг мослигини баҳолаш P_{ij} ва X_{ij} ларнинг ҳар бир қиймати учун аниқланади.

Ташхисий ечимлар қабул қилиш учун ахборотларга ишлов берувчи кўп ўлчовли матрицали эҳтимолий моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу модел ёрдамида дастлаб экспертлар берган баҳоларнинг мослик даражаси аниқланади ва улар ёрдамида эҳтимоли юқори бўлган ташхис топилади.

Айтайлик, бир жинсли касалликлар синфи (БЖКС) учун асосий маълумот S_1, S_2, \dots, S_n симптомлар мажмуаси аниқланган бўлсин ва ушбу БЖКСга V_1, V_2, \dots, V_m касалликлар кирсин. Шунингдек, $P_{ij}(S_i/V_j)$ лар S_i симптомнинг V_j касалликда учраш эҳтимоли бўлсин, у сўров, таҳлил ва тиббий техника натижалари бўйича аниқланади.

Айтайлик V_i касалликни тўлиқ аниқлайдиган симптомлар гуруҳи S_i булсин, яъни S_i симптомлар гуруҳи беморда учрайди агарда у V_j касалликга учраган бўлса. S_i нинг умумий кўринишини қуйидаги вектор-қатор кўринишида ифодалаш мумкин:

$$C_i = \{P_{i1}^*, P_{i2}^*, \dots, P_{in}^*\}. \quad (1)$$

Бу ерда P_{ij}^* нинг индексдаги номерлар S_i ва V_j ларнинг индексларига мос келиши керак.

Энди 1-жадвал ва (1) вектор-қатор ёрдамида БЖКС учун қуйидаги шаблон - матрицани ҳосил қиламиз:

$$P^* = \{P_{ij}^*\}, \quad i=1,2,\dots,n; \quad j=1,2,\dots,m \quad (2)$$

Дастлаб экспертлар берган баҳоларнинг ўзаро мослик даражасини баҳолаш масаласини қараймиз.

Бир нечта экспертлардан фойдаланилганда ҳар бир P_{ij}^* қийматини ўртача қиймат сифатида қуйидаги кўринишда аниқлаш мумкин:

$$P_{ij}^* = \sum_{q=1}^K P_{ijq}^{**} / K$$

Бу ерда P_{ijq}^{**} - q - экспертнинг эҳтимолий баҳоси, K - экспертлар сони.

Экспертлар баҳоларини мослик даражасини баҳолаш учун экспертлар солмоғлилик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги дисперциядан фойдаланиш мумкин:

$$\sigma_{ij}^2 = \sum_{q=1}^K (P_{ij}^* - P_{ijq}^{**})^2 \alpha_q / \sum_{q=1}^K \alpha_q.$$

Бу ерда α_q -экспертлар солмоғлилик коэффициенти бўлиб компетентликнинг интеграл кўрсаткичи бўйича аниқланади. Агарда экспертлар компетентлиги аниқлаш учун маълумот етарли бўлмаса уларни бир хил деб қабул қилиш мумкин, яъни $\alpha_q = 1, (q=1,2,\dots,K)$.

Бу ҳол учун ўрта арифметикнинг ўртача хатосини қуйидаги аниқлаш мумкин:

$$m_{ij} = \sqrt{\frac{\sigma_{ij}^2}{K-1}}.$$

Одатда тиббий тадқиқотларда агар $\frac{m_{ij}}{P_{ij}^*} \cdot 100 \leq 5\%$ булса, экспертлар

баҳоларининг мослик даражаси етарли деб қаралади.

Танланган БЖКСга кирувчи барча касалликлар учун симптоматик мажмуаларни ГЛК технология асосида тўпланган маълумотлар бўйича қуйидаги вектор кўринишида ифодалаш мумкин:

$$R = \{r_1, r_2, \dots, r_n\} \quad (3)$$

Энди (2) ва (3) ва $|r_j - P_{ij}^*| \leq \varepsilon$ (бу ерда ε мумкин бўлган четланиш) шартдан фойдаланиб элементлари 0 ёки 1 қиймат қабул қилувчи қуйидаги L бинар матрицани ҳосил қиламиз: $L = \{l_{ij}\}, \quad i=1,2,\dots,n; \quad j=1,2,\dots,m$.

Бу ерда l_{ij} нинг қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$l_{ij} = \begin{cases} 1, & \text{агар } |r_j - P_{ij}^*| \leq \varepsilon \\ 0, & \text{агар } |r_j - P_{ij}^*| > \varepsilon. \end{cases}$$

Агарда бу ерда ε нинг қиймати барча i ва j лар учун бир хил бўлса, мутахассист томонидан аниқланган битта қиймат киритилади. Агарда ε нинг қиймати барча i ва j лар учун ҳар хил бўлса унинг қиймати барча касалликлар ва симптомлар учун алоҳида аниқланади ва қуйидаги жадвал кўринишида берилади: $\varepsilon = \{ \varepsilon_{ij} \}$, $i=1,2,\dots,n$; $j=1,2,\dots,m$.

Юқоридагилардан фойдаланиб қуйидаги йиғиндини аниқлаймиз: $N_j = \sum_{i=1}^n l_{ij}$

Энди беморнинг V_j касалликга чалинганлик эҳтимолини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин: $P_j = \frac{N_j}{n}$.

Шундан кейин P_j ($j=1,2,\dots, m$) нинг барча қийматлари ўзаро таққосланади, энг катта эҳтимол аниқланади ва ташхис тавсия этилади.

Ташхисий ечим қабул қилишнинг мантиқий модели маълумотлар ва экспертлардан олинган билимларга ишлов беришга асосланган. Шунинг учун бу моделнинг компьютерда ишлаш жараёни қаралаётган БЖКС бўйича мутахассистнинг фикр юритиш жараёни имитация қилади.

Кардиологик касалликларга тегишли Миокард инфаркти БЖКСни қараймиз. Дифференциал ташхислаш масаласини мантиқий модел бўйича ечиш қуйидаги бир нечта босқичларда бажарилади.

I Босқич. Инфаркт миокард ташхисини симптомлар бўйича қўйиш учун билимлар қоидалари гуруҳи: Қоида ИМ 1.1.: Агар {< юрак ритмида бузилиш >, < қон босимининг ошиши >, < Перикард ишқаланиши шовқини >, < ЭКГда ўзгаришлар >} у ҳолда {Инфаркт миокард учун катта хавф бор} {Тавсия -1.2-қоидани текшириш}. Қоида ИМ 1.2. Агар {<Юрак соҳасида оғриқ >, < Температура кўтарилиши >, < Юрак тонларини буғикланиши >} у ҳолда {Ташхис: миокард инфаркти}. Қоида ИМ 1.3. Агар {< Қоида 1.1 > ёки < Қоида 1.2 > бажарилмаса >} у ҳолда {Кушимча текширишлар ўтказиш керак}.

II Босқич. Миокард инфарктини дифференциал ташхислаш. Қоидалар миокард инфаркт ҳолатини имитация қилувчи ЭКГ да бўладиган ўзгаришларга асосан ишлаб чиқилган. Қоида ИМ 2.1. Агар {<ST сегментнинг кўтарилиши >} у ҳолда {Ташхис: перикардит} {Тавсия: Эхо КГ}. Қоида ИМ 2.2. Агар {< ST сегментнинг кўтарилиши >, < Q тишларнинг пайдо бўлиши >} у ҳолда {Ташхис: миокардит} {Тавсия: Эхо КГ}. Қоида ИМ 2.3. Агар {< ST сегментнинг кўтарилиши ёки депрессияси >, < ST сегмент ва T тишдаги ўзига хос бўлмаган ўзгаришлар >} у ҳолда {Ташхис: Аортанинг қаватланувчи аневризмаси} {Тавсия: кўкрак қафасини Эхо КГ, КТ қилиш, аортография}. Қоида ИМ 2.4. Агар {< R тиш амплитудасининг V_1 дан V_6 га секин кўтарилиши >, < Юрак электр ўқида кутилмаган ўзгариш >} у ҳолда {Ташхис: Пневмоторакс} {Тавсия: Кўкрак қафасини рентгенография қилиш}. Қоида ИМ 2.5. Агар {< ST сегментининг II, III, аVF кўтарилиши >, < T нинг $V_1 - V_3$ инверсияси >} у ҳолда {Ташхис: ТЭЛА}

{Тавсия «Вентиляцион-перфузион сцинтиграфия»}. Қоида ИМ 2.6. Агар {< ST сегментининг II, III, aVF кўтарилиши >} у ҳолда {Ташхис: Уткир холецистит} {Тавсия: Қорин бўшлиғи УТТ текшируви}.

III Босқич. Ферментлар натижасига асосланган қоидалар: Қоида ИМ 3.1. Агар {< КФКнинг МВ фракцияси 8-10 соатдан кейин ошиши фаоллашса >, < 48-72 соатдан кейин меъёрига қайтса >, < КФКнинг МВ фракциялашуви 24-36 соатдан кейин энг юқори даражага чиқса >} у ҳолда {Ташхис: Миокард инфаркти}.

IV Босқич. ЭхоКГ натижаларига асосланган қоидалар: Қоида ИМ 4.1. Агар {< Чап қоринча қисқарувчанлигининг локал бузилиши >, < Чап қоринча деворининг юпқалашши >} у ҳолда {Ташхис: Ўтказилган миокард инфаркти}. Қоида ИМ 4.2. Агар {< Чап қоринчанинг меъёрида қисқарувчанлиги >} у ҳолда {Ташхис: миокард инфаркти эмас}.

V Босқич. Коронар ангиография натижалари бўйича: Қоида ИМ 5.1. Агар {< Чап қоринча сиқилишида бузилиш >, < Коронар артериянинг тромб билан оклюзияси >} у ҳолда {Ташхис: Миокард инфаркти}.

Шундан сўнг мантикий модел қоидаларини мантикий функциялар ёрдамида ифодалаш масаласи қаралган.


Мулоҳазалар мантикий моделини мантикий функциялар ёрдамида ошқормас кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин: $L=F(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n)$.

Бу ерда L – мантикий функциянинг қиймати булиб 0 ва 1 қийматлар қабул қилади. Агар 0 булса ташхис инкор этилади, агарда 1 булса ташхис қабул қилинади. Бизнинг ҳолатда «Миокард инфаркти» БЖКС учун $n=23$ та ва «Бош оғриғи» БЖКС учун $n=51$ та.

Мантикий функция ошқор кўринишда $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ мантикий ўзгарувчилар ва мантикий операциялар орқали ифодаланadi. Уни умумий ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин: $L=x_1 \& x_2 \& x_3 \& \dots \& x_n$. Бу ерда $\&$ мантикий операциялар белгилари булиб конъюнкция ва дизъюнкция амаллари белгиларини қабул қилиши мумкин. Юқоридаги мулоҳазалардан фойдаланиб ИМ1.1 қоидани қуйидаги мантикий функция кўринишида ифодалаш мумкин: $L_{1.1}=u_1 \wedge u_2 \wedge u_3 \wedge u_4$.

Ушбу мантикий функциядан фойдаланиб ИМ 1.1 қоидани қуйидагича ифодалаш мумкин: Агар $\{L_{1.1}=1\}$ булса, у ҳолда $\{D_1\}$ $\{L_{1.2}$ функцияни текшириб кўриш тавсия этилади}. Шунга ухшаш йўллар билан барча ИМ қоидаларини мантикий функциялар билан алмаштириш мумкин. Натижада $\{L_{1.1}, L_{1.2}, L_{1.3}, L_{2.1}, L_{2.2}, L_{2.3}, L_{2.4}, L_{2.5}, L_{2.6}, L_{3.1}, L_{4.1}, L_{4.2}, L_{5.1}\}$ мантикий функциялар туплами ҳосил булади.

Энди «Инфаркт миокард» БЖКС учун ахборотларга ишлов берувчи мантикий моделини схематик кўринишида ифодалашни қараймиз. Уни 2-расмдаги каби ифодалаш мумкин.



2-расм. «Инфаркт миокард» БЖКС маълумотларига ишлов бериш мантиқий модели таркиби.

Ушбу мантиқий муҳокама этувчи модел натижаси сифатида қуйидагилар аниқланади: Инфаркт миокарднинг дифференциал ташхиси, инфаркт миокарднинг йўқлиги ёки қўшимча текширувларга тавсиялар. Қўшимча текширувлар маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки ББнинг тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ. Шундан кейин юқоридаги усулда «Бош оғриғи» касалликлари учун ББси яратилган. Бунинг учун «Бош оғриғи» БЖКС учун экспертларнинг 51та симптом хулосаларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи гибрид интеллектуал тизимнинг алгоритмик таъминотини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида ТЛК технологияга асосланган гибрид ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг алгоритмик таъминоти ишлаб чиқилган.

Бобнинг дастлабки қисмида ташхисий ечим қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш масаласи қаралган. Шунини қайд этиш лозимки, бир томондан беморнинг ҳолати нотурғун характерга эга. Бунинг сабаби ташқи факторларнинг таъсир этиши ёки одам организмдаги физиологик ўзгаришлар билан боғлиқ. Бошқа томондан эса, бемор ҳолатини доимий кўзатиш ва таъсир этувчи барча факторларни ҳисобга олиш амалий жиҳатдан

мумкин эмас. Шунинг учун айтиш мумкинки, беморнинг ҳолати вақтнинг дискрет моментларида тўла аниқ бўлмаган ҳолатларда кўзатилади. Юқорида қайд этилганлар шуни кўрсатадики, ташхисий ечим қабул қилиш жараёнини қатъий маънода оптималлаштириш мумкин эмас. Шу хулосадан келиб чиққан ҳолда ташхисий ечимлар қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш ва бошқаришни масалани икки босқичли квазиоптимизацион усул ёрдамида ечиш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Ички квазиоптимизация масаласида t нинг фиксирланган қиймати учун қуйидаги оптимизацион масала ечилади:

$$P_i(\alpha) = |P_i(t, \alpha) - P_i^*| \rightarrow \min$$

$$\alpha = \{\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_m\}, \quad 0 \leq \alpha_i \leq 1.$$

Демак бу масаланинг моҳияти шундан иборатки, компетент экспертларни шундай танлаш керакки, $P_i(\alpha) \rightarrow \min$ бўлсин. Бу жараён бир неча кадамдан иборат бўлиб, ҳар бир кадам учун $P_i(t, \alpha)$ ни аниқлашда кўп ўлчовли матрицавий эҳтимолий моделдан фойдаланилади. P_i^* -талаб этиладиган эҳтимоллик.

Иккинчи босқичда $\alpha = \{\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_m\}$ ларнинг фиксирланган қийматларида қуйидаги квазиоптимизацион масала ечилади:

$$P(t) = |P_i(t, \alpha) - P_i^*| \rightarrow \min$$

$$t_0 \leq t \leq t_k$$

Ушбу масала танланган таркибдаги экспертлар берган баҳолар бўйича вақтнинг дискрет моментларида кетма-кет ечилади ва даволаш жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади. Бошқача айтганда даволаш жараёни бошқарилади.

Тавсия этилаётган ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг умумий алгоритми врач фаолиятини компьютер ёрдамида қўллаб қувватлашга тизимли ёндошишга асосланган 1-расмдаги схема асосида яратилган бўлиб, аввал алгоритмлар мажмуасининг умумий тузилиши ва ишлаш тамоили яратилган. Шундан кейин эса матрицали эҳтимолий модел бўйича коллегиял ечим қабул қилиш универсал алгоритми ва ташхис қўйиш жараёнини иерархик тартибда муҳокама этувчи мантиқий моделга асосланган алгоритмлар инфаркт миокард ва бош оғриғи касалликларни дифференциал ташхислаш учун ишлаб чиқилган. Барча алгоритмлар умумий бошқарувчи алгоритм асосида ишлашга асосланган.

Диссертациянинг «**Ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи гибрид интеллектуал тизимнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида гибрид ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимнинг инфорацион ва дастурий таъминотини ишлаб чиқилган. Асосий маълумотлар файллар кўринишида сақланади ва дастурий мажмуа ишга туширилгунга қадар тўлдирилади. Барча симптом ва белгилар SIMPTOM файлида, барча мумкин бўлган диагнозлар DIAGNOZ файлида тавсиялар эса RECOMEN файлида сақланади. Агарда бош оғриғи бошга оғриқ берадиган бошқа касалликлар билан боғлиқ бўлса, у ҳолда этиологиялар аниқланади.

Барча мумкин бўлган этиологиялар ETIOLOG файлида сақланади. Қолган барча маълумотлар дастур ишлаш жараёнида мулоқат режимида киритилади.

ТЕҚҚҚТнинг дастурий таъминоти DIAGNOSTIKA дастурлар мажмуасидан иборат бўлиб, асосий бошқарувчи дастур ва қуйидаги учта қисм дастурни ўз ичига олади: PROCEDURE MATVER; PROCEDURE DIAGLOG1; PROCEDURE DIAGLOG2.

MATVER дастури матрицали эҳтимолий модел асосида тузилган бўлиб мулоқат режимида ишлайди. DIAGLOG1 қисм дастури 2-бобдаги кардиологик касалликларга доир билимларга асосан кўп босқичли режимда ишлайди: 1-босқич: симптомлар бўйича ташхис ўрнатади. Симптомларнинг қиймати мулоқат режимида киритилади. Агарда ЭКГ натижаларига асосланган 2-босқичга ўтиш зарурияти бўлса, қуйидаги мулоқат амалга оширилади: ЭХМ сўрайди: «Базада ЭКГ натижалари борми, агар бор бўлса 1 йўқ булса 0 киритинг». Агарда фойдаланувчи 1 киритса, дастур ЭКГ натижаларига асосланган ташхис ўрнатади. Агарда 0 киритса дастур 3-босқичга ўтади ва экранга қуйидаги савол чиқади: «Базада ферментларнинг ўзгариши натижалари мавжудми, агар мавжуд бўлса 1, йўқ бўлса 0 киритинг». Агар фойдаланувчи 1 киритса, дастур ферментдаги ўзгаришлар натижалари бўйича ишлайди, агарда 0 киритса 4-босқичга ўтади экранда қуйидаги мулоқат саволи пайдо бўлади: «Базада ЭхоКГ натижалари мавжудми, агар мавжуд бўлса 1, йўқ бўлса 0 киритинг». Агар фойдаланувчи 1 киритса, дастур ЭхоКГ натижалари бўйича ишлайди, агарда 0 киритса 5-босқичга ўтади экранда қуйидаги мулоқат саволи пайдо бўлади: «Базада коронар ангиография натижалари мавжудми, агар мавжуд бўлса 1, йўқ бўлса 0 киритинг». Агар фойдаланувчи 1 киритса, дастур коронар ангиография натижалари бўйича ишлайди, агарда 0 киритса экранда қуйидаги маълумот пайдо бўлади: «Базадаги маълумотлар етарли эмас, қўшимча текширишлар ўтказиш талаб этилади». Дастур умумий тамоилга асосланган ҳолда ҳар бир босқичда мавжуд маълумот бўйича ташхис ўрнатишга ҳаракат қилади. Агарда ташхис ўрната олса, экранга ташхис ва тавсиялар ҳақида хабар чиқаради, агарда ташхис қўя олмасagina кейинги босқичга ўтади ва маълумот сўрайди. DIAGLOG2 дастури бош оғриғига тегишли 2 - бобда ишлаб чиқилган қоидалар асосида икки босқичда ишлайди. 1-босқичда ташхис симптомлар ва оғриқнинг характерига нисбатан ўрнатилади. 2-босқичда эса «Хуруж ва даврийликнинг давомийлиги»ни локаллашиш хусусиятларига қараб ўрнатилади. Натижада дастур мос ташхисни ёки этиологияни беради. Агарда маълумотлар етарли бўлмаса «Ташхис ёки этиологияни ўрнатиш учун маълумотлар етарли эмас» деган хабарни чиқаради. Шунингдек, ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни бошқа синф касалликларда фойдаланиш учун услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

«Гибрид интеллектуал тизимларда колегиал ташхисий қарорларни қабул қилишнинг алгоритмлари ва усуллари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тиббий ташхислаш жараёнига тизимли ёндошиш, гибрид технология асосида кўп қаррали тасдиқлашга асосланган ташхисий ечим қабул қилиш усул, модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган модел ва алгоритмлар гибрид интеллектуал ташхисий ечим қабул қилишни қўлловчи тизимни яратиш имконини беради.

2. Экспертларнинг солмоғлилик коэффицентини ва экспертлар баҳоларининг ўзаро мослигини ҳисобга олган ҳолда кўп ўлчовли эҳтимолий модел яратилди. Бу беморни тахмин қилинаётган касалликга чалинганлигини маълум эҳтимоллилик билан колегиал ташхисий ечим қабул қилиш имконини беради.

3. Экспертларнинг ташхис қўйиш бўйича кўп босқичли мулоҳаза жараёнини умумлаштирилган мантикий модели яратилди. Моделнинг ишончлилик натижалари ББ таркибига боғлиқ бўлиб, танланган БЖКС учун ечим қабул қилувчи қоидалар гуруҳига асосланади, мантикий моделлар «Инфаркт миокард» ва «Бош оғриғи» касалликлари синфлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, бирламчи ташхис қўйиш даврини 3 мартагача камайтириш имконини беради.

4. Ташхислаш жараёнини оптималлаштириш масаласи икки босқичли квазиоптимизацион масаладан иборат бўлиб, ички босқич экспертларнинг оптимал вариантини танлаш, ташқи босқич эса вақтнинг дискрет моментларида квазиоптимал ташхисни танлаш ва даволаш жараёнини бошқариш имконияти яратади.

5. DIAGNOSTIKA дастурлар мажмуасида MATVER универсал характерга эга, DIAGLOG туридаги қисм дастурлар эса аниқ БЖКС учун мўлжалланган бўлиб, DIAGNOSTIKA дастурининг универсаллиги DIAGLOG туридаги қисм дастурлар сонига боғлиқ. Шунингдек, унинг ахборот таъминотининг таркибий тузилиши барча БЖКС учун ўринли бўлиб, ҳар сафар танланган БЖКС учун аниқ маълумотлар билан тўлдирилиб аниқлаш имконини беради. Дастурий мажмуани Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги ҚВПларда қўллаш бирламчи ташхис қўйиш даврини 3 мартагача камайтириш имконини беради.

6. Яратилган ташхисий ечим қабул қилиш қўлловчи тизим колегиал ечим қабул қилиш учун Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалида ва Самарқанд шаҳри “Бионурмедсервес” МЧЖ тиббий диагностика марказида жорий қилиниб, ташхисий ечимлар қабул қилиш даврини 18,2% гача камайтириш ва аниқлигини 10-15% гача ошириш имконини беради ва муаян даражада иқтисодий самарадорликка эришилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ

УРАКОВ ШОКИР УЛАШОВИЧ

МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ПРИНЯТИЯ КОЛЛЕГИАЛЬНЫХ
ДИАГНОСТИЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ В ГИБРИДНЫХ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ СИСТЕМАХ

05.01.02 – Системный анализ, управление и обработка информации

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/T191.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий и Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Сафаров Ташпулат**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кобулов Анвар Васильевич**
доктор технических наук, профессор

Уринбаев Эркин
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № _____). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № __ от «__» _____ 2018 г.).

Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

М.А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется большое внимание внедрению информационных систем в разные отрасли народного хозяйства, в том числе в области здравоохранения. По прогнозу компании Marketsand Markets «К 2020 году объем мирового рынка аналитических информационных систем, используемых в медицинских учреждениях превысит 21 млрд. долларов. В ближайшие шесть лет среднегодовые темпы роста этого рынка составят 25%»¹. Научные исследования по разработке медицинских информационных систем, в частности экспертных систем, ведутся в разных странах мира, в том числе, в США, Японии, Испании, Германии, Великобритании, Франции, России и Узбекистане.

В мире проводятся научно–исследовательские работы направленные на разработку различных интеллектуальных диагностических систем, создание диагностических экспертных системы усовершенствование медицинских диагностических систем. В этом направлении разработка новых технологических методов и средств основанных на аппарате математической логики позволяющих формализовать получаемые от экспертов нечеткие данные, понятия и отношения является, одной из важных задач.

В Республике особое внимание уделяется развитию автоматизации управляющих систем и созданию единого информационного пространства, направленных на широкое внедрение информационных систем на основе современных информационно-коммуникационных технологий. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены ряд задач, в частности: «... укрепление материально-технической базы медицинских учреждений, ... высокотехнологичной медицинской помощи, ... внедрение современных информационно-коммуникационных технологий»². Выполнение указанных задач, в особенности, создание системы поддержки принятия диагностических решений, разработка гибридных интеллектуальных системы поддержки принятия диагностических решений в виде оболочки, имеющих иерархическую структуру последовательного осмотра обсуждения состояния больного поэтапно по традиционным, лабораторным, инструментальным и компьютерным методом (технология ТЛИК) является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом №УП-947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениям Президента Республики Узбекистан №ПП-2838 от 16 марта 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации службы скорой медицинской помощи в

¹http://aksimed.ru/company/news_1/iz.php?ELEMENT_ID=2023

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Республике Узбекистан и укреплению её материально-технической базы», №ПП-3071 от 20 июня 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годы», №ПП-1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых документов, принятые в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV-«Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Интенсивно ведутся и получены определенные теоретические и практические результаты в исследованиях по разработке средств автоматизации в области здравоохранения и обработки медицинской информации с учетом особенностей медицинской службы. В том числе, это рассмотрено в работах следующих зарубежных ученых: В. Chandrasekaran, С.А. Kulikowski, R.S. Ledley, L.B. Lusted, F. Mizoguchi., S.G. Pauker, Е.Н. Shortliffe, Р. Szolovits, Н.Н. Амосов, И.П. Быховский, А.А. Вишневский, И.М. Гельфанд, Е.В. Гублер, А.С. Клещев, Б.А. Кобринский, Г.А. Хай, М.Ю. Черняховская, Е.В.Назаренко, С. Кульбак, В.М.Тавровской, М.Л. Жмудяк, Ю.И. Журавлев, Н. Бейли, С Вальда, С. Айвазян и другие.

В Узбекистане М.М.Камилов, Т.Ф. Бекмуратов, Ф.Т.Адилова, Х.Туракулов, А.Х.Нишонов и другие ученые внесли значительный вклад в создании интеллектуальных систем, систем принятия решения в условиях неопределенности, в разработке методов и алгоритмов моделирования диагностических процессов.

В настоящее время, несмотря на отдельные успехи, проблемы создания медицинских диагностических интеллектуальных систем ориентированных на последовательное обсуждение по ТЛК технологии недостаточно изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий и его Самаркандского филиала в рамках проектов: БА-5-017-«Создание алгоритмов и программного обеспечения диагностики рака молочной железы и шейки матки на основе методов интеллектуального анализа данных» (2017-2019) и А5-039-«Разработка программных средств построение параллельных алгоритмов интеллектуального анализа данных» (2015-2017).

Целью исследования является разработка методов, моделей, алгоритмов и программного комплекса гибридных интеллектуальных системы поддержки принятия диагностических решений, основанных на ТЛК технологии.

Задачи исследования:

разработка обобщенной схемы гибридных интеллектуальных системы поддержки принятия диагностических решений, функционирующая TLIK методом;

